



МУЗРАБОТ

Ўзбекистон — келажиги буюк давлат

Газета 1969 йил 1 июлдан чиқа бошлаган
Ижтимоий-сиёсий газета

Халқ депутатлари Музrabот тумани Кенгаши ва туман ҳокимлигининг нашри

2021 йил 30 январь
Шанба № 2 (4403)

Муносабат

ТАРАҚҚИЁТ САРИ АНИҚ РЕЖАЛАР БИЛАН

2020 йилнинг сўнги кунларида давлатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеа муҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси бўлди.

Мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган ушбу тадбирда давлатимиз раҳбари ўтган йилда амалга оширилган ишлар, эришилган натижалар ҳамда 2021 йилда олдимизда турган катта вазифалар тўғрисида атрофлича тўхталиб ўтди. Айтиш керакки, бутун дунё мамлакатлари қатори биз учун ҳам жуда оғир кечган 2020 йилда пандемия ва бошқа табиий офатлар сабабли юзага келган мураккаб шaroитга қарамастан, қатор халқаро ташкилотлар баҳосида кўра, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ижобий ўсишни сақлаб қолган камдан-кам давлатлар қаторида жой олгани

барчамизни қувонтиради. Шу маънода айтиш мумкинки, навбатдаги Мурожаатномада Президентимиз томонидан мамлакатимизда давлат ва жамиятни янада ривожлантириш билан боғлиқ энг асосий йўналишлар, барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари учун устувор бўлган вазифалар аниқ-тиниқ белгилаб берилди. Режалаштирилган ишларнинг бугун қанчалик пишиқ-пухта бўлган, аниқ ҳисоб-китобларга асосланган ва натижалари аниқ тасаввур этилган ҳолда қабул қилинишига боғлиқ.

(Давоми 2-бетда.)



Туманимиздаги меҳнат жамоаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисиغا Мурожаатномасини ўқиб-ўрганиш, унда илгари сурилган го ва ташаббуслар, истиқболли режаларни кенг аҳоли қатламга етказиш борасида маърифий тарғибот тадбирлари ташкил этиляпти.

Суратда: туман бандликка кўмаклашиш маркази директори Соҳиб Эгамов (ўртада) муассаса мутахассислари билан Мурожаатномада соҳага доир белгилаб берилган вазифалар юзасидан мулоқот ўтказётган пайт.

С.ҚУЛБОБОВ олган сурат.

Халқ депутатлари Музrabот тумани Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Музrabот тумани Кенгаши депутатини рўйхатга олиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 20, 93 ва 97-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Музrabот тумани Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 2021 йил 24 январь куни 18-Ат-Термизий сайлов округида бўшган ўринга ўтказилган сайлов натижалари бўйича 170-участка сайлов комиссиясининг тақдим қилган баённомасига асосан халқ депутатлари Музrabот тумани Кенгашига сайлов якуни тасдиқлансин.
- Халқ депутатлари Музrabот тумани Кенгашига 18-Ат-Термизий сайлов округидан кўрсатилган номзод Худояров Уктам Пардаевич депутат этиб рўйхатга олинсин.
- Мазкур қарор маҳаллий матбуотда эълон қилинсин.

Халқ депутатлари Музrabот тумани Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси раиси
2021 йил 25 январь. № 17

А.Йўлдашев.

Одамлар рози бўлсин деб...

ДЕПУТАТ ИБРАТИ

Бугун туманимиз миқёсидаги йиғин ва тадбирларда, одамлар ўртасидаги гурунгларида Музrabотнинг салоҳиятли кадрлари ҳақида гап кетгудек бўлса, Баҳодир Хотамовнинг ҳам номи алоҳида тилга олинади. Бу бежиз эмас, албатта.

Баҳодир Хотамов туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига директор этиб тайинланганида, гапининг рости, корхона "туғаб бўлган" эди. Ёш, аммо иқтидорли, тажрибали раҳбар бу ердаги ҳолатни кўриб ҳайратга тушмади, чўчимади. Аксинча, корхона "оёққа тургазиш"га ишонч билан ишга киришиб кетди. Энг муҳими, ҳафсаласи пир бўлган жамоа аъзоларини ўзи ўйлаган режалар билан таништириб, уларда ҳам корхона истиқболига ишонч уйғота билди, муаммоларни биргаллашиб, сабр, чидам ва меҳнат билан енгилга чорлади.

Мана, фурсат ўтиб қийинчиликлар ортада қолди. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси рисоладагидек инок, аҳил, ишбилармон, ўз вазифаси ва бурчинини астойдил бажарадиган меҳнатқаш жамоага айланди. Корхонанинг энг сўнги русумдаги замонавий йўл қурилиш техникалари билан таъминланганини айтмайсизми? Шунинг эвазига туманимизда автомобил йўлларини таъмирлаш ва қуриш ишлари узоқ йиллик танаффусдан сўнг жадаллашиб кетди, йўлсозлар жўшқинлик ва шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Дарҳақиқат, "Меҳнат қилган элда азиз" дейдилар. Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоси бўлган Баҳодир Хотамовдаги юксак ташаббускорлик ва ташкилотчиликни инобатга олган партия туман Кенгаши ўз фаолининг номзод



дини халқ депутатлари Музrabот туман Кенгаши депутати Баҳодир Хотамов билан биз ҳақли равишда фахрланамиз, дейди ЎзХДП туман Кенгаши раиси Панжи Норматов. — У чиндан ҳам, Президентимиз таъбири билан айтганда, одамлар давлатдан, раҳбарлар ва депутатлардан рози бўлиб яшаш керак деган ақидага амал қилади, зиммасидаги маъсулиятни чуқур ҳис этади. Ушунинг чинаккам фидойиси.

Одамлар ишончини оқлаётган раҳбар ва депутат Баҳодир Хотамовнинг фаолиятдан жонбозлик, қадамидан барака аримасин.

Ш.ЧОРШАНБИЕВ, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати.

А.ЙЎЛДОШЕВ, ўз муҳбиримиз.

Суратда: "Мустикаллик" маҳалласида амалга оширилган ободончилик ишларидан бир лавҳа.

Яшил табиатга ҳиёнат

«ҚАНОТ»ЛАРИ ҚИРҚИЛГАН ЧИНОР

Яқин кунларнинг бирида "Дўстлик" маҳалласидаги "бека"дан таксига ўтириб, туман маркази сари йўлга тушдик. Табиийки, йўловчи халқи жим кетмайди: у ёқдан, бу ёқдан гурунгу бошланади. "Меҳригиёх" ва "Сополлитепа" маҳаллалари чегарасидаги бурилишга яқинлашганимизда ҳайдовчи ёнидаги олд ўриндиқда ўтирган отахон ноҳосдан, "Эҳ, атанг" деб юборди. Кутилмаган бу афсусланишдан ҳайратга тушган йўловчилар отахонга савол назари билан қарашди.

—Йўлнинг чап тарафидаги буталган чинор дарахтини кўра-яқинчиларми? Кеча шу ердан ўтганимда бўлажак азим чинордай савлат тўкиб турганди. Бугунчи, аҳолига бир қаранг. Қайсидир қўлинг сингур бақувват бақувват шохларини кесиб абтоматчилик вакиллари давлатчи раҳбари томонидан пухта ўйланб ҳаётга жорий этилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар юзасидан ўз муносабатларини билдирдилар.

Уш муҳбиримиз. Суратда: "Янгиер" маҳалласида ўтказилган тадбирдан лавҳа.



дим. Қани эди, шу топда уни шу куйга солган кимсани топишаниклаш имкони бўлса? Мабогор қилиб кетибди, — деди кўпни кўрган нуроний ички бир куйини билан.

Автомашина салонидегилар ҳаммамиз она табиатга хиёнат қилган нобакордан норози бўлиб йўлимизда давом этдик. Уша куни ишдан барвақт чиқиб, уйга қайтишда "қанот"лари қирқилган чинор дарахти тўғрисида таксидан тушиб қол

ўша инсоннинг эса виждони қийналмадимикин? Бир нарса аниқ: ўша пайт бу ҳолни кимлардир кўрган, аммо очик кўзларини кўрилган олиб жимгина ўтиб кетган. Ахир, эл-юрт мулки, яшил бойлигига бундай ёндошув ўша инсонф одамда, қолаверса, бошқаларда ҳам "кўча ва йўллар, арик ва зовурлар ёқасидаги дарахтларни бемалол кесаверса бўларкан, ҳеч ким индамас экан" деган кайфиятни уйғотмайдимми?

Нега бу масалада туман экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси, маҳалла раиси ва фаоллари, аиникса, ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича раис ўринбосари (профилактика нозирининг безовталиги сезилмапти) Зеро, шундай қўйиб берилса, яна қанчадан-қанча дов-дарахтлар кесилиб кетмаслигига ким кафолат бера олади? Бу мутасаддилардан жавоб ва амалий ҳаракат талаб қиладиган долзарб масала.

Н.ЯХШИБОВЕВ, Ўзбекистон Экологик партияси Музrabот туман Кенгаши раиси. Суратда: абгор бўлган чинор дарахти.

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Давлатимиз раҳбари тақлифига кўра, 2021 йил мамлакатимизда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилинган барча юртдошларимизга кўтаринки кайфият улашди. Президентимизнинг Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида табиёт соҳасига қаратилган эътибор эндиликда биз, соҳа ходимларидан юксак салоҳият ва катта маъсулиятни талаб этади. 2020 йил 12 ноябрь куни Юртбошимиз томонидан "Бирламчи табиий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон

имзоланган эди. Унга мувофиқ табиий олий таълим муассасаларини охириги 3 йил ичида таъминлаган ва бошқа ҳудудда яшовчи табиёт ходимлари олис ва чекка ҳудудларда жойлашган оилавий шифохоналарга ишга қабул қилинганда, уларга камидан 3 йил ишлаб бериш шарти билан 30 миллион сўм миқдоридан бир марталик бошлангич ёрдам пули, турар жойи бўлмаганларга эса 3 йил давомида хизмат уйлари ёки базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдоридан ҳар ойлик пул компенсацияси берилади. Ўз навбатида табиёт ходимлари меҳнатини янада рағбатлантириш, бўш иш ўринларини тўлдирши ҳамда жойларда малакали кадрларнинг меҳнат фаолияти ва ижтимоий

ҳимояси учун муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида муайян ишлар амалга оширилади. Ҳозирда туманимизда 210 нафар олий маълумотли шифокорга эҳтиёж бор. Юқоридаги Фармон ижросини таъминлаш мақсадида табиёт тизимида малакали мутахассислар жалб этилади. Туманимизда ўтган йили табиёт олийгоҳларини битирган 9 нафар ёш мутахассислар иш билан таъминланди. Туман марказидан 30 километр узоқликда жойлашган "Навбахор" ҚОПнинг биносидан қўшимча "Тез табиий ёрдам" шохобчаси ташкил этилди. Шохобча "Дамас" русумли санитар-автомашина билан таъминланди. Энг асосийси, 2020-2022 йиллар инвестиция дастури доирасида туман марказида 12

миллиард сўмлик 3 қаватли диагностика, болалар ва реанимация бўлими биноси қурилади. Марказдан 23 километр узоқликда жойлашган 52-сонли "Янгиобод" ҚОПнинг Таскент филиали биносида эса мукамал таъмирлаш ишлари бошланди. 2020 йил кутилмаган пандемия сабабли давлатимиз ва халқимиз учун ҳам оғир ва синовли йил бўлди. Бирлашмамизга инқирозга қарши курашиш жамгармаси ҳисобида COVID-19 касаллигини олдини олиш бўйича 3 ойлик захира учун январь ойида 31 миллион 600 минг сўмлик зарур табиий дори-дармонлар ва жиҳозлар келтирилди. Рустам ОДИНАЕВ, туман табиёт бирлашмаси бошлиғи.



ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ

Туманимиздаги 51-умумий ўрта таълим мактабида "2021 йил: янги марралар, яқдил қадамлар" мавзусида маънавий-маърифий тарғибот тадбири бўлиб ўтди. Унда 1-сектор ҳудудидаги маҳаллалар аҳолиси, табиёт ва маориф соҳаси вакиллари қатнашдилар. Тарғибот тадбирида туман Ҳокими Э.Алимов, Тошкент Давлат педагогика университети профессори, тарих фанлари доктори, В.Эшқуватов, Ўзбек-

истон "Адолат" социал демократик партияси вилоят Кенгаши раиси Р.Ҳамроев, Термиз Давлат университетининг психология кафедраси мудири доцент Х.Шарофиддинова, педагогика кафедраси мудири доцент М.Бозорова, фуқаролик жамияти кафедраси мудири доцент Р.Норлиев, катта ўқитувчи Т.Маматқулов, иқтисодиёт назария-

си кафедраси мудири доцент Ў.Ражабовлар сузга чиқдилар. Нотиклар йиғилганларга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида билдирилган фикрлари белгилаб берилган вазифалар юзасидан қизиқарли маърузалар ўқидилар. Маърузалар орасида тақ-

димот слайдлари орқали видеороликлар намойиш этилди. Худди шундай тарғибот тадбирлари 2-сектор ҳудудидаги 7-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда, 3-сектор ҳудудидаги 21-болалар мусика ва санъат мактабида, 4-сектор ҳудудидаги 22-мактабда ҳам жамоатчилик вакиллари билан фаол иштирокида ўтказилди. С.ҚУЛБОБОВ.

Суратда: тарғибот тадбирларидан лавҳалар.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тузилган ишчи гуруҳ Президентимизнинг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини" Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармони лойиҳаси юзасидан туманимизда тарғибот-тушуштириш тадбирларини ўтказди.



"Янгиер" маҳалласидаги 47-, "Шаффоф" маҳалласидаги 33-мактабларда ташкил этилган ана шундай маърифий тадбирларда худудларда истиқомат қилаётган кексалар,

ёшлар, ўқитувчилар вакиллари, маҳалла фаоллари қатнашдилар. Сузга чиққан халқ депутатлари Музrabот тумани Кенгаши депутатлари Т.Тангиоров, Э.Собиоров Ўзбекистон

Республикаси Президентининг Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси ҳамда маънавий-маърифий масалаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида қилган маърузасининг мазмун-



Мурожаат ва ечим

Тадбиркорликни ривожлантириш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатида барча соҳалар қатори кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун янада қулай шароит ва имкониятлар яратилиши ҳамда ҳорижий инвестициялар фаолияти кўллаб-қувватланиши алоҳида таъкидлади. Жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингга яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, уларнинг сони қисқартирилиши ҳамда Тадбиркорлик кодекси ишлаб чиқилиши, шунингдек, 4 йил олдин тадбиркорлик субъектларида текширишлар ўтказишга эълон қилинган мораторий муддатини яна бир йилга узайтирилиши юртимизда тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўйилган наватдаги қадамлардан бири бўлди, десак муболага бўлмайд.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда мамлакатимизда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг туманимиздаги

Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси томонидан тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини қабул қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантиришга тўқинлик қилаётган муаммолар масалаларни кўриб чиқиш ва мавжуд бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилаётди.

Энг муҳими, қабулхонамизга келиб тушган мурожаатлар ваколатли органлар томонидан 7 кунлик муддатда кўриб чиқилади.

2020 йилда қабулхона орқали рўйхатга олинган 333 та мурожаатлардаги 398 та масала кўриб чиқилди. Мурожаатлар таҳлил қилингандан, банк кредитлари бўйича 168 та, ер участкаларини ажратиш масалалари бўйича 59 та, инфратузилма тармоқларига улашиш бўйича 23 та, рухсатнома ва лицензия масалалари 13 та, солиқ масалалари 12 та, бино ажратиш масалалари 3 та, бошқа масалалар 120 тани ташкил этади. Мазкур мурожаатларнинг 237 таси (60 фоизи) қаноатлантирилган, 161 тасига (40

фоиз) ҳуқуқий тушунтиришлар берилган. 82 таси бевосита қабулхонага ташриф буюриш, 193 таси "Ишонч телефони", 1 таси **business.gov.uz** портали орқали ва 57 таси сайёр қабуллар давомида келиб тушган. 165 таси (41,5 фоизи) туман даражасида, 218 таси (54,8 фоизи) вилоят даражасида, (3,8 фоизи) республика даражасида кўриб чиқилган.

Тадбиркорлик субъектларидан келиб тушган мурожаатлар алоҳида назоратга олиниб, тегишли масъулларни жалб қилган ҳолда ҳал этилмоқда. Жумладан, "Дилафруз агро олам" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ж.Жавобовнинг бизга қилган мурожаатидан сўнг "Деҳқонобод" маҳалласи ҳудудидан иссиқхона комплексини ташкил этиш лойиҳаси учун АТБ "Микрокредитбанк" Музработ туман филиали томонидан 1 миллион сўм кредит маблағи ажратиб берилди. "Билло савдо сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Х.Панжиевнинг мурожаати бўйича эса туман давлат солиқ инспекцияси томонидан 120 миллион сўм қўйилган қиймат солиғи суммаси ўрни қоплаб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, хунармандчилик, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш дастурлари доирасида 80 га яқин жисмоний ва юридик шахсларга ўз бизнесини бошлашлари учун тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш, ушбу тадбиркорларга ер ажратиш, 20 га яқин тадбиркорларнинг солиқ тўловлари, лицензия ва рухсатномалар олиш, 15 нафар тадбиркорларнинг инфратузилма тармоқларига улашиш, 14 нафар мулкдорларга компенсация маблағлари тўлаб бериш борасидаги ва тадбиркорларнинг 70 га яқин бошқа масалалари мурожаатлари ижобий ҳал этилди.

Қонуний фаолиятини юртимизда турли бюрократик тўсиқ ва голларга дуч келган тадбиркорларимиз ва тадбиркорликни энди бошлашни мақсад қилган фуқаролар куннинг истаган вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг туманимиздаги Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасига мурожаат қилишлари мумкин.

Одилжон ШОДМОНОВ, Музработ туманидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси мудири.

Мактабгача таълим

МЕҲНАТ ТАРБИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Меҳнат тарбияси тарбиянинг муҳим тури, шахсни шакллантиришнинг зарур шартларидан бири бўлган педагогик жараён ҳисобланади. Меҳнат инсон эҳтиёжларини қондиришнинг биринчи ва асосий воситаси бўлганлиги учун ҳам меҳнат тарбияси тарбиянинг бошқа ҳамма турларидан олдин пайдо бўлган. Болаларга меҳнат тарбиясини беришда мактабгача таълим ташкилотлари (МТТ) ҳам катта ўрни тутади. Чунки бу МТТларда меҳнат тарбияси илмий асосда уюштирилади.

Меҳнат тарбиясини ташкил этишда асосий жиҳат шундаки, у болаларнинг ёш хусусиятларига, рухий, ақлий ва жисмоний имкониятларига мувофиқ бўлиши лозим. Сабаби, болаларнинг имкониятларидан энгил меҳнат тарбияси уларни эриктирса, уларнинг имкониятларидан оғир топириқлар эса болаларни беэҳтиёрчи қилиши мумкин. Аммо шунинг унутмаслик жоизки, МТТларда болаларнинг "бандлиги"ни таъминлаш уларнинг келажақдаги истиқболини кафолатлайди.

МТТларда болалар меҳнати ташкил қилишнинг шартлари қуйидагилардан иборат:

- болаларнинг меҳнат фаолияти учун ҳиссий ижобий муҳит яратиш;
- меҳнат учун жиҳозларни тўғри танлаш;
- тизимли равишда ҳар бир болани меҳнатга жалб қилишда шерикни тўғри танлаш;
- меҳнат фаолияти учун мотивация яратиш;
- тарбиячи меҳнат фаолиятига қизиқтирилганини намойиш

қилиши; меҳнат қилиш жараёнида ва унинг натижасига кўра рағбатланиш;

гуруҳда меҳнат муҳитини яратиш. Доимий бандлиги фойдали меҳнат билан шуғулланиши; меҳнат юкмасида боланинг соғлиғи, қизиқиши, қобилиятини инобатга олиш лозим.

Меҳнат болаларнинг илмий билимлар ҳамда турли фанлар асосини ўзлаштиришга йўналтирилган фаолият тури ҳамдир. Иқтимоий-фойдали меҳнат шахсни ҳар томонлама камол топтириш, унинг муайян эҳтиёжларини қондириш мақсадини кўзда тутади. Шунга кўра, ҳозирги даврда МТТларда ўз-ўзига хизмат кенг йўлга қўйилмоқда. Ўз-ўзига хизмат болаларнинг иқтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида уларнинг ўзлари томонидан амалга оширилувчи меҳнат фаолияти ҳисобланади. Умумий меҳнат турлари хилма-хилдир. Масалан, болаларнинг меҳнат ҳафталиги болаларнинг саранжом-саришта сақлаш, ўрин-кўрпаларни йиғиштириш, чой ва овқатдан кейин идишларни олиб бориб қўйишда боғча опаларини кўриб бериш ва бошқалар.

Болалар меҳнати ташкил этишда топширик, навбатчилик, жамоавий меҳнат шаклларида фойдаланиш зарур. Бунда болалар катталар томонидан берилган топшириқларни қизиқиш билан бажаришлари лозим. Топшириқлар боланинг ёш хусусиятлари ва қизиқишларидан келиб чиқиб мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, МТТларда болаларнинг навбатчиликка жалб

қилиши унинг тартиб билан иш қилишини, ўзига билдирилган масъулиятни ҳис этишни таъминлайди. Жамоавий меҳнат болалар ўртасида дўстлик, меҳр-оқибат, ҳамжихатлик каби туйғулар шаклланишига ёрдам беради.

Халқимиз меҳнатни бош тарбиячи деб атайдди. Сабаби инсон тарбияси, асосан, меҳнатга бўлган муносабатларга қараб белгиланади. МТТларда меҳнат тарбияси асосида болаларнинг хунармандчиликка бўлган иштиёқи ҳам шакллантирилиб борилади. Айниқса, болалардаги хунармандчиликка бўлган лаёқат катталар ёрдамида амалга оширилади. Шу орқали болалар катталар меҳнати билан танишиб борадилар. Болаларда меҳнат тарбиясини шакллантиришда оиланинг ўрни каттадир. Чунки болаларнинг илк меҳнат кўникмалари оилада шаклланади. Болаларни меҳнатга эртарақ жалб қилишда уларнинг қизиқишлари инобатга олиниши лозим. Бунинг учун болаларнинг ўзлари хоҳлаган машғулотини бажаришига имконият яратиш керак. Болаларнинг меҳнатга муҳаббат қўйиб ўсишида ота-онанинг жамоатчилик ишларида фаол иштироки ва фарзанднинг қўл меҳнати орқали ясаган буюмларига муносабати, рағбати уларда меҳнат тарбиясининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Махбуба ЖУМАЕВА, 2-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси.

Аҳолини рўйхатга олиш

Жараёнгача бўлган тадбирлар

2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишга ҳамда бирламчи маълумотларни электрон базага киритишга жалб қилинган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш белгиланган тартибда амалга оширилди.

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга вақтинчалик жалб қилинадиган ходимларга Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан тайёрланган махсус гувоҳнома берилади. Махсус гувоҳнома беришга ҳудудий статистика органлари масъул ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олиш ишларига вақтинчалик жалб этиладиган ходимлар ўқитилди. Ўқитиш давомида қуйидагилар:

- аҳолини рўйхатга олишнинг мақсад ва вазифалари, рўйхатга олишга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишни тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, рўйхатга олиш ҳужжатлари таркиби ва уни тўлдирish тартиби, шунингдек, рўйхатга олишчи ходимларнинг вазифалари, ахлоқ нормаларини ўрганиш бўйича машғулотлар;
- техника хавфсизлиги бўйича машғулотлар;
- уй-жой рўйхатини тузувчилар томонидан шаҳар, шаҳар типлидаги аҳоли пункти, қишлоқ аҳоли пунктларидаги

уй-жойлар ва бинолар рўйхатини тузиш бўйича амалий машғулотлар;

респондентлар сўровини ўтказиш, келиб чиқадиган барча қийинчиликларни аниқлаштириш билан муаммолар масалаларни муҳокама қилиш бўйича амалий машғулотлар;

ўқитилган ходимларнинг маълумотларни ўзлаштирилганлиги бўйича назорат қилиш ишлари ташкил этилади. Рўйхатга олишчи ходимлар ўқитилган сўй махсус гувоҳнома ва кийим (нимча, шарф, бош кийим ва бошқалар бўлиши мумкин), рўйхатга олиш инструментлари (рўйхатга олиш варағи шакллари ва бошқа рўйхатга олиш варағи шакллари) захира тўплами ва канцелярия буюмларини олиб юриш учун сумка) билан таъминланади.

Аҳолининг айрим тоифаларини рўйхатдан ўтказувчи ташкилотларнинг ваколат бериш ҳужжатлари ҳам рўйхатга олиш варағи шакллари билан бошқа рўйхатга олиш ҳужжатлари ҳамда канцелярия буюмларини олиб юришга мўлжалланган сумка билан таъминланади.

Акmalжон ПАРДАЕВ, туман статистика бўлими етакчи мутахассиси.



Кутубхона — нурхона

Хизмат кўлами кенгаймоқда

Маълумки, каттаю кичикнинг дунёдаги энг қадрдон ва севимли дўсти бу — китоб. У ҳақда ҳар қанча сўз юритиб, таъриф-тавсиф келтирсак-да, оз.

Биз фаолиятимизни буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг "Китоб (битик) барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётни ўргатувчи мураббийдир", деган ҳикматли сўзлари асосида улуғ мақсадлар сари йўналтирилган. Ахборот кутубхона марказимиз қорхоналар, ташкилотлар, муассасалар мактаб ва болалар боғчалари, маҳаллардаги ёш авлод ва адабиёт ихлосмандларига тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиб келаяпти. Бу ерда бадий, си-

ёсий, жаҳон ва болалар адабиётларининг сара ва нодир намуналари бор.

Марказимиз ходимлари ўқув залида хилма-хил адабиётлардан фойдаланишни, мағзини чақиши ҳамда китоб танлашида китобхонларимизга ҳаммаша яқин маслаҳатчи ва кўмакдош бўлмоқдалар. Бундан ташкилотлар, муассасалар ходимлари ўқувчи ва ўқитувчилар, аҳолининг кенг қатлами мамнун бўлмоқда. Эътироф этмоқ жоиз, "Йўлчи", "Шаффоф", "Янги ҳаёт", "Нурли ҳаёт", "Дарбаанд" маҳаллалари ҳудудидан яшовчи имконияти чекланган инсонлар ҳам

энг фаол китобхонларимиздир. Бугун маърифат масканимизда 20 нафар ходим фаолият кўрсатиб келмоқда. Айниқса, Насиба Назарова, Розия Туракулова, Махлий Эсанова, Сарвиноз Хулқалиева, Менглимурод Тўраев, Мақсуд Атаева, Садоқат Олтибоева каби касбига эътиқоди бандан зиё улашувчиларнинг ҳолиси, беминнат хизматидан барча шод ва хурсанд. Фаолият кўламини янада кенгайтириб, доимо эл олқишига сазовор бўлавериш эзгу ниятимиздир.

Зулфия МАМАТОВА, туман ахборот кутубхона марказининг абонентлар ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими раҳбари.

Мулоҳаза

ЭРТАКЛАР —

ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАР

Барчамиз болалигимизда кўп эртақларни онамиздан эшитганмиз. Эртақ қахрамонлари билан бирга мудом яхшилик ва ёвузлик, саҳийлик ва хасислик, мардлик ва қўрқоқлик, раҳмдиллик ва бағридошлик, вафо ва хоинликларни бир-бирдан фарқлашни ўрганганмиз. Айниқса, беихтиёр ўзимизни эртақ қахрамонлари ўрнига қўйиб, у билан бирга ҳақиқатни англашимиз бизни энг қийин вазиятлардан чиқиб кетиш чораларини топишимизга ёрдам бериб келган.

Эртақ ёки хикоя бола руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади, унинг ҳулқини тарбиялайда, соғлом, меҳрибон бўлиб ўлгайишида муҳим аҳамият касб этади. Кўпчилик оналар эртақни китобдан ўқиб беришни афзал билишадди. Бироқ, эртақ қанчалик жонли айтиб берилса, она ва бола ўртасида самимий ва яқин муносабатлар шунчалик тез ўрналади. Бироқ аксарият ёш оналар фарзандларига эртақ айтишни хоҳлашмайди. Чунки онанинг ўзи бирор бир китобни қўлга олиб

ўқимаган. Бундай оналар энг осон йўлни танлашадди — мультфильм "жойланган" диск ёки "Болажон" каналини афзал билишадди. Лекин мультфильмларнинг ҳаммасини ҳам болаларга бирдек кўрсатиш тўғри эмас.

Эртақлар, ҳикоялар мурғак қалбда дадиллик ва ўз қучига ишонч ҳиссини уйғотади. Фарзандингиз ўзини эртақдаги қахрамонлар билан қиёслаб олса, воқеаларни ўз ҳаётидаги воқеаларга ўхшатса ва улардан ўрнак олса, бола яхшилик ва ёмонлик, жасурлик ва қўрқоқликнинг фарқига боради. Хусусан, "Зумрад ва Қиммат", "Насриддин афанди", "Маугли", "Уч оғайни ботирлар" каби эртақларда шундай фоя муҳассам. Болалардан ўқиб беришни афзал билишадди. Бироқ, эртақ қанчалик жонли айтиб берилса, она ва бола ўртасида самимий ва яқин муносабатлар шунчалик тез ўрналади. Бироқ аксарият ёш оналар фарзандларига эртақ айтишни хоҳлашмайди. Чунки онанинг ўзи бирор бир китобни қўлга олиб

эшитишни ҳуш кўради. Улар Қорқобо ва Қорқиз, Қор маликаси мавжудлигига ишонмади. Айниқса, Қорқобо уларнинг уйига соғвалар олиб келиши учун шеърлар ёдлашди.

Агар боланинг бир эртақни қайта-қайта айтиб беришинингизни сўраса, ҳайрон бўлманг. Унинг илтимосини рад этманг. Чунки эртақ қахрамонлари бошидан кечирган воқеалар дилбандингиз дунёқарашини ўстиради. Кўпчилик ота-оналар фарзандларига эртақларни билмай адаштириб айтишса, болалар тезда бу хато эканлигини тушунадилар. Ахир улар эртақ воқеаларини ҳатто ёддан билишадилар. Демак, фарзандларимизда ёшгидангина китобга меҳр уйғотиш ўз қўлимизда. Чунки ҳозирда хоҳлаган китобингизни бемалол топишингиз мумкин.

Агарда болам китоб ўқисин, келажақда ўқимшли, билимли инсон бўлсин десангиз, ўзингиз унга ўрнак бўлинг. Куннинг истаган вақтида китоб ўқинг, шундагина болажонларингиз ҳам китобга ошно бўлади. Ҳар куни фарзандларингизга эртақ айтишни қанда қилманг. Эро, эртақлар доимо яхшиликка етаклар.

Г. ҚУРБОННАЗАРОВА.

Шифокор маслаҳати

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИ АСРАНГ

Репродуктив саломатлик масалалари биринчи бор 1994 йил Қоҳирада бўлиб ўтган Аҳолишунослик ва таракқиёт халқаро конференциясида кўтарилган эди. Ушбу конференцияда репродуктив саломатлик борасида тўлақонли тушунча берилди. Репродуктив саломатлик бу — репродуктив тизим ва унинг фаолиятига боғлиқ барча масалалар борасида фақат касаллик ва камчиликлар йўқлиги бўлибгина қолмай, балки тўлиқ жисмоний, ақлий ва ижтимоий мувофақиятлар ҳолати ҳамдир.

Репродуктив ҳуқуқ бу — барча эр-хотин ҳуқуқлари ва алоҳида шахсларнинг болалар сони, улар орасидаги оралик ва уларнинг туғилиш вақти ҳақида эркин ҳамда тўлиқ масъулият бўлиши тан олишдир. Репродуктив саломатликни муҳофаза қилишда 12 та тамойил бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- хавфсиз ҳомиладорлик;
- бехатар туғуруқлар;
- чилла давридаги малакали ёрдам;
- исталмаган ҳомиладорлик ва унинг олдини олиш;
- туғуруқлар оралиғини 3 йил ва ундан ортик муддатга сақлаш;
- замонавий контрацептив воситалар ҳақида аҳолига кенг маълумот бериш;

-жинсий йўл орқали юқадиган касалликлар (жумладан, ОИВ/ОИТС)нинг олдини олиш, ташxisлаш ва даволаш;

- бепуштликни олдини олиш;
- ўсма касалликлари ва ўсма олди касалликларини олдини олиш;
- она сuti билан бокиш тардфибти;
- оналик ва болалиқнинг муҳофазаси;
- ўсмирлар репродуктив саломатлиги ва жинсий тарбияси.

Соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш шифокорлар учун катта масъулият юқлайди. Оилавий турмуш қуришга тайёрланган йигит ва қизларимиз соғлом ҳамда жинсий ҳаёт гигиенаси бўйича етарли билимларга эга бўлишлари керак. Аёлларни фақатгина ҳомиладорлик даврида саломатлигини сақлабгина қолмай, балки уларнинг ёшлик давридан бошлаб соғ-саломат ўсишларини таъминлаш лозим. Бола туғилгандан кейин эса, унинг соғлом бўлиб ўсиши ҳақида қайғуришимиз, она сутининг аҳамиятини кенг тарғиб қилишимиз зарур. Чунки соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади.

Республикамизда ёшларнинг турмуш қуриши учун "Оила кодекси"га асосан эркакларга 18 ёш, аёлларга 17 ёш белгилан-

ган. Далилларга асосланган тиббиёт ҳулосалари бўйича оила қуришга энг қулай давр қизлар учун 20-22 ёш, йигитлар учун 24-26 ёш, уларнинг ёшлари орасидаги фарқ эса 3-6 ёшгача ва бўлгани маъқул. Аввало, йигит ва қизларимиз турмуш қуришдан олдин тиббий қўриқдан ўтишлари лозим. Бу ирсий касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Ирсий касалликларни келтириб чиқарувчи омилларга яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳлар қиради. Бундай оилаларда кўпинча ақлий ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган болалар туғилади. Шунингдек, спиртли ичимликлар истеъмол қиладиган, тамаки чекадиган ва гиёҳвандликка ружу қўйган оилаларда туғма нуқсонли ва ақли заиф фарзандлар дунёга келиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг "Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш Низоми тўғрисида" 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори асосида никоҳланувчи шахслар ФХДЭ бўлимига ариза берганларидан сўнг қўйдаги касалликларни аниқлаш учун текширувлардан ўтадилар:

- 1.Рухий касалликлар.
- 2.Гиёҳвандлик.
- 3.Сил касаллиги.
- 4.Жинсий йўл орқали юқадиган касалликлар.

ган касалликлар. 5.ОИТС.

Тиббий текширувлар никоҳланувчи шахслар учун бепул ўтказилади. Эрта ҳомиладор бўлиш туғиш жараёнида она ва боланинг соғлиғига хавф солиши мумкин. Маълумки, 16-17 ёшгача қизлар тўлишиб, бўйлар ўсиб қолади, аммо бу ҳали уларни она бўлиш учун етилганликларини билдирмайди. Қизлар 16-17 ёшга тулгани билан уларда ҳомиладан тараққий этиши ва бола туғиш учун нормал шароит вужудга келмаган бўлади. Тос суякларни ривожланмаганлиги сабабли, туғиш жараёнида жарроҳлик усулидан фойдаланишга тўғри келиши мумкин. Қизлар 20 ёшдан кейин жисмонан ва руҳан она бўлишга тайёр бўладилар. Эрта турмуш қуриш кўпинча фарзандсизликка, боланинг ой-кунини етмай чала туғилишига, ҳомиладорлик асоратларига олиб келиши мумкин.

Аёллар учун фарзанд қўриши энг қулай даври 20-30 ёш оралиғи ҳисобланади. Ёши ўтган, яъни 35 ёш ва ундан қоқори бўлган аёллардаги ҳомиладорлик нафақат аёлнинг саломатлиги, балки туғилажак фарзандлар учун ҳам хавфлидир. Чунки ушбу ёшдаги аёлларда ички аъзоларнинг (камқонлик, эндокрин, юрак-қон то-

мир, буйрак аъзолари ва ҳ.к) касалликлари кўп учрайди. Бу эса нафақат ҳомиладорлик даврини, балки туғуқ жараёнини ҳам асоратлайди.

Ҳомиладорлик муддати тўқуз ой давом этади. Ҳомиладорлик даврида тиббий кузатув олиб борилади. Бу жараёнда яъни аёл ва унинг бўлажак фарзандининг ҳомиладорлиги ва ундан кейинги даврда соғ-саломат бўлишлари учун оила аъзолари жавобгарлиқни ҳис қилиши керак. Ҳомиладорлик даврида аёллар қуйидаги озик-овқатларни истеъмол қилиши керак: балиқ, гуруч, мева, мева ва сабзавотлар, суг-қатик, пишлок, гўшт, туҳум, ёнғоқ, дон, макорон ва дуккама маҳсулотлар.

Фарзанд-ота-онанинг эзгу орзуси, қувончи, бахти. Ҳар бир она фарзандининг соғлом, зуваласи пишқик, бахтли-саодатли бўлиб ўсиб-ўлгайиши учун қайғуради ва чақалоқ туғилмасидан туриб шунга тайёргарлик қўради. Туғуруқлар оралиғини сақлаш (қамада 3 йил) онанинг саломатлигини яхшилайди ва соғлом фарзанд туғилишини таъминлайди.

Т. МАҲМУДОВ, туман тиббиёт бирлашмасининг туғуруқхона бўлими бошлиғи.

И. ШОИМОВА, акушер-гинеколог.

Эълон

ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА

Музработ туманида 2021 йил ҳосилидан уруғлик пахта етиштирувчи фермер ҳўжаликлари ўртасида тендир танлови ўтказилади. Танловда иштирок этувчилардан тегишли ҳўжатлар туман Қишлоқ ҳўжалиги бўлими биносида қабул қилинади.

Манзил: Музработ тумани, Халқобод шаҳарчаси. **Телефон:** 76-34-91-771. **Туман қишлоқ ҳўжалиги бўлими.**

"Узғросуғурта" АЖ Сурхондарё филиали Музработ Суғурта маркази А-4 шаклдаги 0396618 ва 0010891-сонли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

x x x

Музработ тумани "Сополлитена" маҳалласида яшовчи Худжамкулов Шерзод Шобердиевич номидаги 1988 йилда ишлаб чиқарилган, завод рақами № 966452, двигател рақами № к/р 781, техник паспорти ТТР №



Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига

НАВОИЙНИ АНГЛАШ — ҲАЗОЙИННИ АНГЛАШ

Дунё халқлари маданияти тарихидан маълумки, буюк инсонларни етиштириб берган ҳар бир миллатнинг эзгу интилишлари, ақл-заковати, орзу-армонлари ва маънавий кийфаси энг улуг фарзандларининг умр йўли, ижодий фаолияти орқали кўрсатиб берилган. Миллатимизнинг шундай бетакрор буюк сиймоларидан бири Алишер Навоийдир. Уни 580 йиллиги нишонланаётган кунларда такрор-такрор эътироф этилган. Шубҳасиз, ўз даврида ҳам Бобур айтганидек, "Алишербек назир йўқ киши" бўлган. Навоийнинг ўз замонида тенги (назир) йўқлигининг изоҳи: "Туркий тил бида то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас". Демак, ханузгача ўзбек тили, адабиёти равнақи учун ҳеч ким Навоийдек хизмат қилмаган эмас.

Аввало, унинг болалик йилларига эътиборингизни қаратмоқчиман. Алишер 3-4 ёшларида ёд олган шеърларини айтиб бериб, бошқаларни ҳайратлантирган. 5 ёшида мактабга бор. 6 ёшида замонасининг машхур тарихчиси Шарафиддин Али Яздийнинг дуосини олишга муссабар бўлган. 7-8 ёшларида шеър ёза бошлаган. 12 ёшларида тўқсон ёшли устози Лутфий унинг "Оразин ёпғоч кўзимдин..." деб бошланадиган газалини тинглаб шундай деганди: "Худого касам ичиб айтаманки, агар илоҳи бўлганида, ўзимнинг ўн-ўн икки минг байтдан иборат бўлган туркий ва форсий газалларимни биргина ушбу газалга алмаштирган ва ушбу айирбошлаш натижасини катта муваффақият деб ҳисоблаган бўлардим".

Кичик мактаб ёшида форс шоири Фаридиддин Атторнинг "Мантиқ ул-тайр" ("Қуш нутқи") дostonини такрор-такрор ўқиб, англаб ёд олганини билами. Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" ("Икки тил муҳокамаси") асаридега ёшлик даврида ўзбек ва форс шоирлари шеърларидан 50 минг байт, яъни 100 минг мисра ёд олганини ёзган.

Алишер Навоийнинг хаёт йўли ва ижоди ҳақида бир неча китоб ёзган тарихчи ва адиб Хондамир "Мақорил ул-ахлоқ" ("Муқаррам Хуқорил") асаридега "Хидоятга эришган Амир болалик чоғларидан умрининг охиригача ўз барақали вақтининг кўп қисмини илм эгаллаш ва камолотга эришиш ишига сарфлаб, бир лаҳза бўлса-да, турли билимларни ўрганиш"ни узлуксиз давом эттирганини ёзади. Ижодий изланишлари самараси: шеърининг 16 жанрида ёзган асарлари асосида жами 8 та шеърый девон тузилган.

Девонларнинг еттитасини шоирнинг ўзи тузган. Улар куйидагилар: "Девон" (ҳозирги пайтда "Илк девон") дейилади, у 1465-1466 йилларда шоирнинг мухлислари томонидан тузилган.

ҳақимлар тарихи", "Тарихи мулуки аҷам" ("Аҷам шоҳлари тарихи") асарлари тарихий мавзуларда ёзилган. Бошқалар билан ёзишмалари – хатларини тўлаб "Муншаот" ("Хатлар")ни тузган. А.Навоий ижодининг сўнги маҳсули 1500 йилда ёзиб тугатилган "Маҳбуб ул-қулуб" ("Қўнғилларнинг севгани") асаридир.

Умри давомида яхшилар меҳрини ҳис қилиб, халққа меҳр кўрсатиб яшаган шоир меҳрисизлардан жуда безганини шохбайларнинг бири орқали ифодалаган:

Халқ меҳрига яна, ё Раб, мени зор айлама, Айласанг ҳам меҳри йўқларга гирифтор айлама.

Улуғ мутафаккирининг 2013 йилда нашр этилган 10 жилдик тўла асарлар тўпламлари 7696 саҳифани ташкил қилади. Ўзбек адабий тили асосларини илк

УЛУҒ ШОИРГА ТАЪЗИМ

Алишер Навоий ўзбек адабиётида лирик поэзия тараққиётига улкан ҳисса қўшган даҳо шоир. Унинг шеърларида покиза ва самимий севги, садоқат, ҳижрон аламлари, вафо, дўстлик, шафқат ва меҳр, эл-юртга муҳаббат, инсонни севиш, халқлар дўстлиги, инсоф ва адолат, меҳнат-севарлик, ҳунар ўрганиш, илм-маърифатли бўлиш, одоб ва тавозе, ҳалоллик ва саховат, тўрилик ва қаноат, Ватан тинчлиги, ободлиги, халқнинг осудалиги, ҳаёт тарзи масалалари яққол кўринади. Айниқса, "Топмадим" газалида шоир хаёт ҳақиқатини рўй-рост кўз олдинда гавдалантиради:

Меҳр кўп кўргузим, аммо меҳрибоне топмадим, Жон баса қилдим фидо оромижоне топмадим.

Ғам била жонимга етдим ғамгусоре кўрмадим, Ҳаҳр ила дилхаста бўлдим диллистоне топмадим.

Алишер Навоийнинг ижодий меросини билад қанча деб тасаввур қиладиган бўлсак, бу тоғ бизнинг ортимизда эмас, ҳаммаша қаршимизда. У биз интиладиган, чўққиларига ҳавас билан қарайдиган, у сари юксалишни оруз қиладиган тоғдир. Шоирни англаш ва ҳис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, ўзлигини англаш ва ҳис этиши демакдир. Бинобарин, Навоий асарлари ўқувчини та-

рихий ривоят ва ҳикоят билан таништиради, она табиат сирларига яқинлаштиради, кишида она Ватанга муҳаббат, унинг ўтмишига ҳурмат, улуг аждодларимиз олдида масъуллик ҳиссини уйғотади, яхши инсоний фазилатларга ўргатади.

Улуғ бобомиз келажак авлодининг баркамол бўлишини оруз қилганлар. Буни куйидаги сатрлари орқали англашимиз мумкин:

Сен ўз ахлоқингни тузгил, Бўлма эл ахлоқидин хурсанд, Кишига чун киши фарзанди, Ҳаргиз бўлмади фарзанди.

Ҳазрат Навоийнинг ана шу пурҳикмат байтлари ёшлар, китобхон ўқувчилар учун доимо ибрат тимсолидир.

Гулбахор ШОЙМАРДОНОВА, 8-мактаб кутубхоначиси.

Назм хусусида

Назмда ҳам асл анга маъни дурур, Бўлсин анинг суръати хар не дурур. Назми маъни анга марғуб эмас, Аҳли маъоний қошида хуб эмас. Назми ҳам сурат эрур хуш анга, Зимнида маъни доғи дилкаш анга.

Мувашшаҳ

Асрларни титратиб яшагай мудом, Лоҳувард ижоди бизларга мерос. Инсонлар қалбини забт этиб хар он, Шоир халқни сизга қилади илҳос. Етолмас сизга ҳеч оламу жаҳон, Рўйи заминнинг сиз назмин қироли. Нафис шеърингда хар доим, хар вақт, Азизу муқаррам кўнгли қироли. Вожаб тугилса ерда сиздек зот, Олам сарварининг гуллар бўстони. Инсоният учун даҳо сиз каби, Йўқ эрурки сўз мулкнинг султони.

Рамазон МАМАТҚУЛОВ, ҳарбий хизматчи.

Вафо ва садоқат ҳақида ҳикоят

Улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг 1483-1485 йилларда яратган "Ҳамса"си "Ҳайрат ул-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Сабаъи сайёр", "Сади Исқандарий" дostonларидан иборат. Жумладан, биринчи дoston "Ҳайрат ул-аброр" йигирмата мустақил мақолатдан ташкил топган. Ҳар бир мақолат муҳим бир масалага бағишланган. Дostonнинг вафо ҳақидаги саккизинчи мақолати кишини қаттиқ ҳайратга солади. Чунки олий инсоний фазилатларнинг бири вафо бўлиб, Навоий бу фазилатни тенгсиз ва ноёб ҳисоблайди. Унинг фикрича, вафодор ёр топган гадо жаҳон шоҳларидан ҳам бахтлироқдир. У ўзининг вафодорлик фазилати фойдасини асослаб бериш учун икки вафоли ёр ҳақидаги ҳикоятни келтиради.

Ҳикоятда баён қилинишича, Амир Темур жуда кўп мамлакатларни ўзига бўйсундириб олгандан кейин Ҳиндистонга қўшин тортади. Ҳинд халқи ўз ватанини мардларча ҳимоя қилса ҳам, бироқ Темурнинг зарбасига дош беролмай таслим бўлади. Амир ўзига қаршлик кўрсатган кишиларни қатл қилишга фармон беради. Тасодифан бир йигит ёри билан қўлга тушиб қолади. Сарбозлар йигитни ўлдирмади, деб қилич кўтарганда, аёл "мени ўлдиринглар, токи мен тириклигимда ёримнинг ўлимини кўрмайин", деб бошини қиличга туттади. Улар аёлни ўлдирмади деб қилич кўтарганларида йигит ўз бошини қиличга туттади. Бундай воқеадан ҳайрон бўлган лашкарлар бу ҳақда Темурга хабар бердилар. Вафодорликнинг бундай мислсиз тимсолидан ҳайратга тушган Амир Темур икки вафоли ёр ҳамда бутун халқни авф этиб, ўлим ҳақидаги ўз фармонини бекор қилади.

Бу ҳикоят орқали Навоий вафодорлик, ўз ёрига, дўстларига, элу юртга садоқатда бўлиш, ишда ва сўзда собитқадамлик кишига фақат яхшилик келтириши, уни барча ёвузликлардан сақлаб қолиши мумкин, деган олижаноб гоёяни мулкери сурган. Агар икки севишган ёр бир-бирларига вафо қилмай, ўз бошлари учун қилич талашмай турсалар, хар иккаларини ҳам ноҳақ қурбон қилиб эдилар. Уларнинг бир-бирларига вафодорликлари, садоқатлари шарофати билан қанчадан қанча беғуноа кишиларнинг қони тўқилмай қолди. Дарҳақиқат, ҳаётдаги хар бир яхши фазилат ва яхши иш, албатта, яхши натижа беради.



Улуғ шоир ижодий мероси халқимиз маънавиятини юксалтириши, ёш авлодни Ватанга садоқат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

"Мир Алишер турк тилининг ўлик жасадиға Масих нафаси ила жон ато этди".

Хусайн БОЙҚАРО "Навоий мутафаккир сифатида мантиқнинг қатъий чамбарлари ичида муҳокама юритмайди, балки жонли, илҳомкор тил билан куйлайди".

ОЙБЕК "Амир Темур тузган давлат Александр Македонский руҳини қайта тиклагандай бўлди. Фақат бу қайта тиклашни маданий соҳада Ренессанс шаклини олади ва Алишер Навоий "Ҳамса"сида ўз мужассамини топади".

Николай КОНРАД, академик. "Алишербек назир йўқ киши эди. Туркий тил бида то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас".

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР XV асрнинг охирида теурийлар салтанатининг маданий ҳаётига жуда муҳим таъсирини ўтказган инсон Мир Алишер Навоий бўлиб, у янги сиёсий ва иқтисодий шароитни яратишда гоят катта ёрдам берди. Султон Хусайннинг яқин дўсти Мир Алишер муҳтожларга хайру эҳсон қилувчиларнинг машхури, шоир ва олим эди.

Томас ЛЕНТО, Глени ЛОУВРИ, АКШ олимлари.

ҒАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ

Алишер Навоийнинг "Ҳазойин ул-маоний" (Маънолар ҳазинаси) мулк куллиётида 2600, "Девони Фоний"да эса 600 газал мавжуд. Демак, Навоий газалиётининг умумий миқдори 3000дан ортиқдир. Куйида улуг шоир газалларидан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиш.

- Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур, Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур. Деса бўлғайким, яна ҳам ўн саккиз йил хусни бор Ўн саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур. Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур Хусн хоши, ул балоларким, кўзу қошиндадур. Ҳайрат этмон хусни нақшидаки, хар ҳайратки бор Барчаси эзид таоло сунъи наққошиндадур. Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин, Ақлга юз ҳайрат, ул ойинг ичу тошиндадур. Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масих, Бул ажабларким, бу эски дайр хуфшоиндадур. То Навоий тўкти ул ой фуқратидин баҳри ашк, Хар қачон боксанг, куйё акси анинг ёшиндадур. Оразин ёпқач кўзимдин сочилур хар лаҳза ёш, Уйлаким, пайдо бўлур қолдуз, нихон бўлғоч куйёш. Кут бир бодому ерим гўшайи меҳроб эди, Форати дин этди ноғаж бир балолиғ кўзу қош. Бу дамодам оҳим афшо айлар ул ой ишқини, Субҳинг бот-бот дами, андоққи, айлар меҳр фош. "Бўсае қилмас мурувват, асру қаттиқдур лабинг", Десам, оғзи ичра айтур: "Лаъл ҳам бор навъи тош". Новакинг кўнглумга киргач, жон талашмоқ бу экин Ким, қилур пайкони кўнглим била жоним талош. Умри жовид истасанг, фард ўлки, бўстон хизридуру Сарвким, даъб айлади озодалиғ бирла маош. Қоши олдинда Навоий берса жон айб этмангиз, Гар будур меҳроб, бир-бир куйёусидур барча бош.

яратувчиси бўлган А.Навоийнинг ўзбек тили луғат бойлигини кўпайтиришда, сўз қўллашдаги фаолияти ҳам ибратли. У ижодий изланишлари давомида асарларида 26 мингдан ортиқ сўз қўллаган. Устози Абдурахмон Жомий: "Бу қаламга фалақдин офаринлар ёғилсин! Чунки бу ёқимли нақшни ўша қалам яратди ва форсий тил эгалари, форсча назм дурларини тузувчиларга раҳм қилди: у ҳам шу форсий тилда ёзганда бошқаларга сўз айтишга мажол қолмасди", – деганди. Инсон учун энг қийин иш – ўзлигини англаш. Таникли адабиётшунос Султонмурод Олим "Нақшбанд ва Навоий" китобида "Ўзи англаш – бир умрлик узун жараён" эканлигини изоҳлаган. Демак, ўз-ўзини англашимиз учун Навоийни билишимиз, унинг ижодини яна ҳам эътибор билан ўрганишимиз лозим бўлади. Эркин ХОЛНАЗАРОВ, 7-иқтисослаштирилган мактаб-интернат директорининг маънавий маърифий ишлар бўйича ўринбосари, олий тоифали ўқитувчи.

РУБОУЙЛАР

"Жон"имдаги "жим" икки "дол"ингга фидо, Андин сўнг "алиф" тоза нихолингга фидо, "Нун"и доғи анбарин қилолингга фидо, Қолган икки нуқта икки ҳолингга фидо.

Андин бериким, қошимда ёрим йўқтур, Хижронидега жуз нолайи зорим йўқтур, Дашт узра қуон киби қарорим йўқтур, Сарғашталигимда ихтиёрим йўқтур.

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз, Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз. Хар неники севмак ондин ортуқ бўлмас, Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

ТУЮҚЛАР

Ёраб, ул шаҳду шакар ё лабмудур, Ё магар шаҳду шакар ёлабмудур. Жонима пайваста новак отқали, Ғамза ўқин қошига ёлабмудур.

Ё қошингдин неча бир ўқ кўз тутай, Отки, ўтрусиға онинг кўз тутай. Неча кўргач ўзга маҳвашлар қошин, Янги ой кўрган кишидек кўз тутай.

Бир рубоий таҳлили

ВАТАНДА ОЗОД ЯШАШ ТАЛҚИНИ

Буюк бобомиз Алишер Навоий ўзбек адабиётида энг кўп рубоий ёзган шоир. Унинг ўзбекча рубоийлари "Ҳазойин ул-маоний"нинг биринчи девони – "Ғаройиб ус-сиғар"га киритилган. Умуман, ижоди давомида Навоий ўзбек тилида 500га яқин рубоий битган.

Рубоий ўша даврда содир бўлган воқеа-ҳодисалар таъсирида кўнглидан кечган ҳис-туйғуларини ифодалашда шоирга жуда кўп келган. Мисол учун унинг машхур Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш, Эл анга шафиқ-у меҳрибон бўлмас эмиш. Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса, Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш рубоийсини каттаю кичик ёддан билади. Чунки Алишер Навоий ўз кечинмалари ифодасини топган бу рубоийни ҳозирги Эроннинг Маш-

ҳад шаҳрида мусофирликда яшаган даврида яратган. Рубоийда мусофирлик – бегона юртдаги Ватан ҳижронию оҳанги устувор. Чунки "ғурбат" сўзи – мусофирлик, бегона юртда яшаш деган маънони англатади. "Ғариб" эса ана шу бегона жойда яшаётган киши. Одам ўзга диёрда шодмон, яъни хурсанд ҳаёт кечириши қийин. Иккинчи сатрдан англашиладики, бегона юртнинг эли мусофир нотаиниш одамга шафқат қилмас ва асло меҳрибонлик кўрсатмас экан. "Ўзга юртда шох бўлғунча, ўз юртингда гадо бўл" деган мақол ҳам маъносига қўра, ана шу рубоий мазмуни билан ҳамоҳанглик қилади. Бу ҳам юртпарварлик гоёясини халқимиз азал-азалдан юксак даражада қадрлаб келганини кўрсатади. Рубоийнинг учинчи ва тўртинчи мисраларида бўлбул дала-ю дашт, боғи бўстонда эркин учиб юрадиган қуш. Қафас унинг асл макони эмаслиги айтилади. Қандай талқин қилинамиз, рубоийда Ватандан айрилиқ дарди қаламга олинган, бўлбул эса макони шохона қаср бўлса-да, тутқинликда эмас, озод, хур яшаш истагида бўлган инсон тимсолидир. Шу тариқа рубоийда мусофирлик бу бандилиқда шохона ҳаёт кечиришдан она юртда ва озодликда ғарибона кун кўриш устун қўйилади. Навоий шу тўрттинчи мисрасида ана шундай бой ҳаётий мазмунларни юксак маҳорат билан намоён қила олган. Биз, ёшларга бобомиз ижодини, асарларини ўрганиш шарафи. Зеро, бобокалонимиз асарлари халқимизнинг бебаҳо маънавий мулкидир. Жаҳоҳирбек ЖУРАЕВ, 33-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

ҲИКМАТЛАР

Наъфинг агар халққа бешақдурур, Билки, бу нафъ ўзунгга кўпрақдурур. Ҳам сўз ила элгу улумдин нажот, Ҳам сўз ила топиб ўлук тан хаёт. Одами эрсанг, демагил одами, Оники йўқ халқ ғамидин ғами. Хар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл, Балки анга хуш ила ҳамроҳ бўл. Эрурсан шох – агар огоҳсен сен, Агар огоҳсен – шохсен сен. Хунарни асрабон неткумдир охир, Олиб туфроққами неткумдир охир?! Навосиз улуснинг навобахши бўл, Навоий ямон бўлса, сен яхши бўл. Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз. Чин сўз – мўтабар, яхши сўз – мухтасар.

Муҳаррир Абдусалом ЙУЛДОШЕВ. Тахририят манзили: 191300. Музработ тумани, Халқобод кўрғони, Амир Темур кўчаси, 9-уй. Телефонлар: 34-91-380, 34-91-118. Газета 2010 йил 9 апрелда Сурхондарё вилоят Матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармасида 11-010 рақами билан қайта рўйхатга олинган. ISSN 2181-7006. Буюртма Г-3670 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоиси келишилган нархда. Нашр индекси-473. Газета тахририят компьютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи Б.Шоймардонов. Навбатчи муҳаррир А.Йўлдошев. Навбатчи С.Қулбобоев. Газета «Денов босмаҳонаси» МҶДА чоп этилди. Корхона манзили: Денов шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 247-уй. Топшириш вақти – 10-30. Топширилди – 10-30